

АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

- III-чорақ якунларига кўра, савдоларнинг умумий ҳажми 1,99 трлн сўмни (\$158,59 млн) ташкил этиб, 2024 йилнинг III-чорагига нисбатан 915,38 млрд сўмга ёки 31,52%га камайди.
- Шу билан бирга, 1,70 трлн сўми (\$134,98 млн) ёки 85,29% биржа котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозлар билан амалга оширилган. Савдо ҳажмининг қолган қисми листингдан ташқари савдо майдончаси (ЛТСМ) битимларига тўғри келди.
- Биржа савдо майдончаларидаги битимларнинг умумий сони 113 524 тани ташкил этиб, 2024 йилнинг III-чорагига нисбатан 8 770 тага ёки 7,17%га камайди. Шундан 99 222 та битим котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозлар билан, 14 302 та битим эса листингдан ташқари савдо майдончасида амалга оширилган.
- Ўртача кунлик савдо ҳажми 30,59 млрд сўмни (\$2,44 млн), ўртача кунлик битимлар сони эса 1 747 тани ташкил этди.
- Чорақ якунига кўра, UCI индекси 9,36 фоизга ошиб, 701,05 пунктни ташкил қилди.

БОЗОР ШАРҲИ

АКЦИЯ БОЗОРИ

Акциялар бозоридаги савдолар ҳажми 1,53 трлн сўмни (\$121,48 млн) ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 410,55 млрд сўмга ёки 21,2%га камайди. Шу ўринда, савдоларнинг асосий ҳажми (1,40 трлн сўм) Free of Payment (FoP) платформасига тўғри келди.

Акциялар бозорида савдоларнинг ўртача кунлик ҳажми 23,47 млрд сўмни (\$1,87 млн), битимларнинг ўртача кунлик сони эса 1 477 тани ташкил этди.


Чорақ якунига кўра, акциялар бозорининг капиталлашуви 25,16 трлн сўмга ёки 10,36 фоизга ошиб, 267,93 трлн сўмни (\$22,20 млрд) ташкил этди. Эркин муомалада бўлган (free float) акцияларнинг бозор капиталлашуви 4,18 трлн сўмни (\$346,20 млн) қилди.

Чорақ якунига кўра, 93 та акция эмитентларининг 135 та инструментлари Биржа котировкалаш варағида мавжуд.

Акциялар бозорининг асосий кўрсатки

		III Ч 2021	III Ч 2022	III Ч 2023	III Ч 2024	III Ч 2025
Савдо ҳажми	млн сўм	98 541	77 649	201 368	1 936 393	1 525 842
Ўртача кунлик савдо ҳажми	млн сўм	1 589	1 233	3 146	30 256	23 474
Битта битимнинг ўртача ҳажми	млн сўм	7	4	2	17	16
Битимлар сони	дона	14 709	17 267	114 108	111 034	96 030
Ўртача кунлик битимлар сони	дона	237	274	1 783	1 735	1 477

Акциялар бозоридаги савдолар ҳажми бўйича етакчилар, млн сўм




*Топ ахбороти асосий савдо майдончасидан олинган маълумотлар асосида шакллантирилади.

UCI ИНДЕКСИ

Чорак якунига кўра, UCI индекси 9,36 фоизга ошиб, 701,05 пунктни ташкил этди.

2025 йил III чораги учун UCI индекси графиги



ОБЛИГАЦИЯЛАР БОЗОРИ

Корпоратив облигациялар бозоридаги савдолар ҳажми 169,84 млрд сўмни (\$13,49 млн) ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 113,56 млрд сўмга ёки 201,78%га ошди.

Облигациялар бозорида савдоларнинг ўртача кунлик ҳажми 2,61 млрд сўмни (\$207 470), ўртача кунлик битимлар сони эса 49 тани ташкил этди.


Биржа котировкалаш варағига киритилган облигацияларнинг бозор қиймати 1,50 трлн сўмни (\$124,66 млн) ташкил қилди.

Чорак якунига кўра, 11 та облигация эмитентларининг 19 та инструментлари Биржа котировкалаш варағида мавжуд.

Облигациялар бозорининг асосий кўрсаткичлари


		III Ч 2021	III Ч 2022	III Ч 2023	III Ч 2024	III Ч 2025
Савдо ҳажми	млн сўм	2 128	70 754	4 362	56 279	169 839
Ўртача кунлик савдо ҳажми	млн сўм	34	1 123	68	879	2 613
Битта битимнинг ўртача ҳажми	млн сўм	26	3 724	43	48	53
Битимлар сони	дона	82	19	102	1 169	3 185
Ўртача кунлик битимлар сони	дона	1	0	2	18	49

Облигациялар бозоридаги савдолар ҳажми бўйича етакчилар, млн сўм



*Топ ахборот асосий савдо майдончасидан олинган маълумотлар асосида шакллантирилади.

Облигациялар картаси



ЛИСТИНГ

Чорак охирида биржа котиловкалаш варағида 102 эмитентнинг 154 та инструменти жой олган.

Ҳисобот чораги давомида икки эмитентнинг оддий акциялари ва уч эмитентнинг облигациялари котиловкалаш варағига киритилди. Шу билан бирга, икки эмитентнинг оддий акциялари ва битта эмитентнинг облигациялари котиловкалаш варағидан чиқарилди.

ЛИСТИНГДАН ТАШҚАРИ САВДО МАЙДОНИ (ЛТСМ)

Чорак якунига кўра, Биржанинг листингдан ташқари савдо майдончасида 14 302 та битим тузилиб, ўтган йилнинг III чорагига нисбатан 4 232 тага ёки 42,03%га ошди.

Савдолар ҳажми 292,40 млрд сўми (\$23,61 млн) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 67,90 фоизга камайди.

134 та эмитентнинг қимматли қўғозлари битимлар объекти бўлди.